Суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш хақидаги

№ 1 -сонли Шартнома

“ 24 ” Январь 2022 й. Урганч тумани

“ Хоразм Перфект Газ Сервис ” МЧЖ номидан раис Ш. Джуманиёзов, Низомга асосан иш юритувчи, Бундан буён “Таъминловчи” деб аталувчи бир томондан, МИБ Хоразм вилоят бошкарм номидан бошкарувчи у/б Ш.Р.Абдуллаев асосида юритувчи,бундан буён “Истеъмолчи” деб аталувчи бошка томондан, биргаликда “Таъминловчи” ва “Истеъмолчи” деб аталувчилар қуйидагилар хақида шартнома туздилар:

ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

“Таъминловчи” суюлтирилган углеводород газини автомобилларга тўлдириб бериш мажбуриятини олади. “Истеъмолчи” унинг хаққини тўлаш ва қабул қилиш мажбуриятини олади:

| Махсулот тури | Йил бўйи | 1-чорак учун | 2-чорак Учун | 3-чорак Учун | 4-чорак учун |
|---|---|---|---|---|---|
| Суюлтирилган газ литр | 5260 | 1314 | 1314 | 1314 | 1318 |
| Нархи 5000 сўм (ККС билан) | | | | | |

1.2. “Истеъмолчи” автомобилларга газ тўлдириб беришни “Таъминловчи” нинг автомобилларига газ тулдириш шахобчаси(АГТШ) оркали амалга оширилади.

1.3..“Истеъмолчи” автомобилларга газ тулдириш санаси газ етказиб бериш санаси хисобланади.

2.ЎЗАРО ХИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАРТИБИ

2.1.Шартнома тузилган кундан бир литр суюлтирилган газ нархи кушилган киймат солик билан 5000 сум булиб, умумий тулов нархи 26.300.000 (Йигирма олти миллион уч юз минг) сум булади. Шунигдек хом ашё нархининг узгариши материаллар, ёкилги энергетик ресурсларнинг, шунгдек УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ХУКУМАТИ карорлари ва меъёрланган хужатларнинг ўзгариши сабабли умумий сумма ўзгариши мумкин.

2.2.Суюлтирилган газ эркин нархда биржа савдолари орқали сотиб олинишига қараб, суюлтирилган газнинг бахоси сотиладиган газ таннархига караб (ошиши ёки камайиши) ўзгаради.

2.3. Газни бериш “Таъминловчи” нинг хисоб ракамига 100% (фоиз) пул келиб тушгандан кейингина қайднома асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Хисоб-китоблар банк коидалари ва жорий конунларда курсатилган формаларда амалга оширилади.

3.ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТИ ВА ХУКУКЛАРИ

3.1.”ИСТЕЪМОЛЧИ“ газ баллон билан жихозланган автомобилларнинг умумий техник холатига ва ишлашида техника хафсизлиги жавобгарлигини уз зиммасига олади.

3.2. “ИСТЕЪМОЛЧИ” мажбурияти:

а ) Суюлтирилган газда ишлайдиган автомашиналарнинг техник шартига, фойдаланиш конун-коидаларига, йурикномаларига тула амал қилишни ўз зиммасига олади.

б ) Суюлтирилган газда ишлайдиган автомобилларни газ баллон ускуналарини соз холатда саклашни ва автомобил қисимларини асрашни ўз зиммасига олади.

в ) Газ баллон қурилмасининг техник холати хақида йўл варақасига ёзиб қўйиш.

г ) Белгиланган тартиб асосида автомобилларнинг суюлтирилган газ билан тўлдириш ва ишлатишга рухсатнома олиш.

3.3 “Таъминловчи” мажбуряти:

а) суюлтирилган газда ишлайдиган автомобил хайдовчиларига бериладиган махсус гувохномалари борлигини, рухсатнома ва йўл варақасини текширади.

б)” Истеъмолчи” томонидан ушбу шартномада кўрсатилган қоида ва шартларга амал қилинмаса суюлтирилган газ берилмайди.

## 4. ГАЗ ХИСОБИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. “Истеъмолчи”га бериладиган газ хажми “Таъминловчи”нинг газ қуйиш колонкасидаги улчов асбоблари бўйича аниқланади.

## 5. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

5.1. Ушбу шартномада кўрсатилгандан ортиқча миқдорда газ олиш, қушимча келишув битими тузиш орқали амалга оширилади.

5.2.”Таъминловчи”ва “Истеъмолчи” қуйидаги холатларда газ бериш ва газ олишни камайтиришга маъсул жавобгар эмаслар:

а ) Газ ишлаб чиқариш жойларида авария холатларида.

б) Ёнгин, ер қимирлаш , сув тошиш ва табиий офатлар вақтида.

## 6. Шартнома муддати.

6.1. Ушбу шартнома томонларнинг имзо чеккан кундан кучга кириб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

6.2. Шартнома икки нусхада тузилиб биттаси “Таъминотчи” да сақланади ва бир нусхаси “Истеъмолчи” да сақланади. Иккала нусха бир хил юридик кучга эга.

6.3. Ушбу шартнома бўйича даволар шартнома тўлдирилган вақитда амал қилинаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида Иктисодий судлари томонидан кўриб чиқилади.

## 7. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| “ТАЪМИНЛОВЧИ” | “ИСТЕЪМОЛЧИ” |
| --- | --- |
| “ Хоразм Перфект Газ Сервис ” МЧЖ<br>Урганч туман. Шерматлар махалласи<br>Тел: 99 013 02 58<br>х/р: 20208000100591222001<br>МФО: 00569 ККС х/р 33040007835<br>Агробанк Урганч филиали<br>СТИР: 303822407, ОКЭД 47300<br><br>Рахбар________________Ш.Джуманиёзов | MAJBURIY IJRO BYUROSI<br>XORAZM VILOYATI BOSHQARMASI<br>Tel/Fax 224-60-82<br>X/R<br>STIR 207256407 XXTUT 84110<br>YAGONA G'AZNA X/V 23402000300100001010<br>MARKAZIY BANK TOSHKENT SHAHAR<br>STIR 201122919 MFO 00014<br><br>Ш.Р.Абдуллаев |